ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 19 июль № 28 (205) ● Сотувда нархи эркин



Бўстонлик тумани электралоқа тугунида шаҳарлараро телефон станциясининг телефончиси Фарида Ҳамидовна ГРАНКИНАнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У бу вазифада 20 йилдан буён бенуқсон ишлаб келмоқда.

Суратқаш Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

ИЗЛАНГАН КАМ БЎЛМАС

Қаердаки меҳнат шароити яхши ташкил қилинган бўлса, ўша ерда иш унумли ва сифатли бўлади. Навоий вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида ишчи-хизматчилар учун яхши меҳнат шароити яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. «Ўзбектелеком» концернига қарашли электралоқа корхоналари ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган кўрик-танловда Навоий вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси шарафли иккинчи ўринни эгаллаши бежиз эмас. Вилоят миқёсида шаҳар ва туманлардаги электралоқа ва почта хизматини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилишга бағишланган кўрик-танловлар ўтказилган эди. Шу боис ҳам кўплаб корхоналарда ходимларнинг иш шароитини талаб даражасига кўтариш, ишлаб чиқаришда шикастланишларнинг олдини олиш, ишчиларни махсус иш кийимлари билан таъминлаш ишлари юқори савияда ташкил этилди. Вилоятдаги кўрик-танлов якуни бўйича Навоий шаҳри биринчи, Карман шаҳри алоқачилари иккинчи, Қизилтепа тумани электралоқа боғламаси жамоаси учинчи ўринни эгаллаб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича намунали иш юритаётганликларини амалда кўрсатдилар.

Вилоят миқёсидаги кўрикда Навоий шаҳар электралоқа боғламаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бу ерда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари бошқа туманларга нисбатан яхши йўлга қўйилган. Махсус журналда ҳар бир ходим тўғрисида тўлиқ маълумот қайд этилган. Мантўрларга велосипедлар ажратилиб, махсус иш кийимлари берилган. Дам олиш хоналари ташкил этилиб, тунги сменадагилар учун ҳам шароит яратилгани боис жамоада меҳнатга муносабат ўзгарди. Кўрсатиладиган хизмат сифати яхшиланди.

Ф. КАМБУЛАТОВА,
Навоий вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг муҳандиси

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ВОҚЕАЛАР ● ЯНГИЛИКЛАР ● ХАБАРЛАР

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлган эди. Ушбу қарор матбуотда эълон қилингач, Республика Маданият ишлари вазирлигининг маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бошқармаси мазкур вилоятга махсус ишчи гуруҳларини юборди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Банклар иштирокидаги жанжалли масалаларни суд амалиётида умумлаштириш материаллари ва хўжалик судлари қарорларининг банк муассасалари томонидан ижроси тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

● Тошкентда Болгария маданият маркази очилди. У ҳозир пойтахтда фаолият кўрсатаётган йигирма бешинчи миллий маданият марказидир.

● Қозоғистон ҳукуматининг қарорига кўра, 15 июлдан бошлаб хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларни мамлакат ичкарисига олиб кириш шартлари кучайтирилди.

● Шу йилнинг 22 сентябрь куни Арманистонда бўлиб ўтадиган президент сайловларига номзодларни рўйхатга олиш бошланди.

● Белоруссия ҳукумати 1 ноябрдан эътиборан Смоленск-Минск-Брест автомобиль магистрали бўйлаб ҳаракат қиладиган автомобиллардан йўлдан фойдаланишлари учун ҳақ олинишини эълон қилди.

● Қалмиқистон Президенти, жаҳон шахмат федерациясининг президенти Кирсан Илюмжинов Элистада ФИДЕ тасарруфи остидаги ҳозирги шахмат тожи эгаси Анатолий Карпов билан профессионал шахматчилар ўртасидаги жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ўртасида мутлақ чемпионлик учун ҳал қилувчи беллашув 1997 йилда ўтказилиши мўлжалланаётганлигини эълон қилди.

● Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия штатидаги Калимпонг ҳудудида қучли сув тошқини оқибатида 50 нафар киши ҳалок бўлди, кўплаб кишилар бошпанасиз қолди.

● АҚШ космик тадқиқотлар ташкилоти — НАСА Россиянинг «Мир» орбитал станцияси билан туташтирилиши мўлжалланган Американинг «Атлантик» кўп марта фойдаланиладиган космик ракетаси парвози техник сабабларга кўра бир ярим ойга кечиктирилганлигини маълум қилди.

● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол федерациясининг 50 — юбилей конгресси бўлиб ўтди. Унда 176 миллий футбол федерацияси делегациялари қатори Ўзбекистон футбол федерациясининг бош котиби Зокир Қурбонов ҳам иштирок этди. ФИФА конгрессида Жоао Авеланж яна Халқаро футбол федерациясининг президенти этиб сайланди.

ЯНГИ УСКУНАЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Жанубий Корея билан шартномага мувофиқ Андижонга замонавий электрон алоқа ускуналари келтирилди. Бу техник жиҳозлар шаҳардаги эскириб қолган 4-автомат телефон станциясини қайта жиҳозлаш учун ишлатилади. Жиҳозларни ўрнатиш ва пайвандлаш ишлари Сеулда махсус таълим олиб қайтган андижонлик алоқачилар бригадасига топширилди. Жанубий Кореялик мутахассислар уларга ёрдам беради. 4-АТС ҳамда унинг вилоят марказидаги «Бўстон» мавзесида жойлашган кичик станциясини тўлиқ жиҳозлаш ишларини жорий йилда тугаллаш мўлжалланган.

Андижон вилоятида амалга оширилаётган бу тадбирлар ҳукуматимизнинг телекоммуникация соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги 2010 йилгача мўлжалланган Миллий дастурининг бир қисмини ташкил этади, холос. Шунингдек, эски турдаги телефонларни тўлалигича алмаштириш, шиша толали кабеллардан фойдаланган ҳолда янги халқаро алоқа линиясини ўрнатиш учун 209 минг рақамга мўлжалланган янги АТС қуриш ва 108 минг рақамли автомат телефон тармоғини қайта жиҳозлаш ишлари ҳам кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т. Ғ. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тоҳир Ғафурович Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т. Ғ. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тоҳир Ғафурович Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

ТЕЛЕСТУДИЯ ИШГА ТУШДИ

Қадимий Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги шарафига телестудия ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатдан ўтган «Истиқлол» студияси ўзбек, рус ва тожик тилларида кўрсатувлар уюштириб, шаҳарнинг ўтмиши ҳамда бугуни, меҳнаткашлари ҳақида ҳикоя қилади.

МАҚСАДИМИЗ – ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

Кейинги пайтда Наманган вилоятида ҳам кўплаб қўшма корхонлар ва фирмаларнинг ташкил этилиши муносабати билан телекоммуникация тизимларига бўлган эҳтиёж янада ортди. Вилоят ички алоқа тармоқларида ахборот алмашинуви ўсди. Эндиги пайтда оддий телефон алоқаси мижозлар эҳтиёжини қондиролмай қолди. Бу эса ўз навбатида алоқачиларга катта масъулият ва вазифалар юкламоқда.

Шу кунларда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва тараққий эттириш борасида Наманган вилоятида катта ишлар қилинмоқда. Туман марказлари, қишлоқ ва йирик поселка АТСлари автоматик русумни аниқловчи жиҳозлар билан таъминланди, 52 фоиздан ортиқ шаҳар телефон станцияси (ШТС) ва қишлоқ телфон станцияси (ҚТС) мижозлари учун шаҳарлараро автоматик алоқа тури жорий қилинди. Яқин учтўрт ой ичида вилоятдаги АТС абонентлари ҳозирги сонига нисбатан 88 фоиз шаҳарлараро автоматик алоқа билан таъминланади.

Зоналар оралиғидаги алоқа сифатини яхшилаш мақсадида 720 телефон каналига мўлжалланган зонал телефон тармоқлари электрон ускуналари сотиб олиниб, ишга туширилди. Бу ўз навбатида зона ораси телефон алоқасининг барча йўналишлари бўйича алоқа узатиш тизимлари ишининг сифатини оширди.

Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаларини автоматлаштириш борасида Наманганда Германиянинг «Алкател СЕЛ АГ» фирмаси билан ҳамкорликда электрон рақамли АТС-АМТС мажмуининг ишга туширилиши абонентларга яна бир қулайлик яратди. Тошкент шаҳри, МДҲ давлатлари, Марказий Осиё, вилоятлар билан шаҳарлараро кириш алоқасининг сифати оширилди. Шаҳарлараро автоматик чиқиш алоқалари сифати ҳам яхшиланмоқда. Барча туман марказлари ва Косонсой туманининг қишлоқ АТС мижозлари яшаш жойларидан туриб Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг кўмагида чет мамлакатлар билан алоқа ўрнатишлари мумкин.

Алоқа хизматидан мижозлар хурсанд. Мақсадимиз — аҳолига алоқа хизмати сифатини яхшилаш, тадбиркор ва ишбилармонларга қулайлик яратиш ҳамда алоқа тармоқларини замонавий алоқа воситалари билан жиҳозлаш, чет эл инвестициясини жалб этиш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилишдир.

Камолхон БОҚИЕВ,

Наманган вилояти давлат электралоқа корхонасининг бош муҳандиси

ОИЛАВИЙ АЛОҚАЧИЛАР

Ҳудойберди ака асли деновлик, Матлубахон эса Шаҳрихондан. Улар Тошкентда танишишган. Мана қарийб 20 йил бўляпптики, аҳил-иноқ умр кечиришмоқда.

— Турмушимиз ёмон эмас, — дейди Ҳудойберди Келдиев. — Бир биримизга оилада ҳам, ишда ҳам суяниб яшамоқдамиз.

Дарвоқе, улар ҳар куни ишга бирга бориб, биргаликда қайтишади. Сурхондарё вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида Келдиевларнинг муносиб ўрни бор. Иккаласи ҳам цех бошлиги.

Ҳудойберди ака кўпроқ касбдошлари ёнида бўлишга интилади. Айниқса сим орқали йўқламалар чоғи оёқда тик туриб меҳнат қилади. Ана шундай тиғиз паллада озгина хатога йўл қўйилса, жамоа номига ҳам аччиқ гаплар бўлиши мумкин. Ҳудойберди ака буни яхши тушунади.

Алоқачилар оиласида уч нафар ажойиб фарзанд вояга етмоқда. Учаласи ҳам ўғил. Ака-укалар рўзғор ишларида онасига яқиндан ёрдам беришади, керак бўлганда уйни саранжом-саришта тутишдан тортиб, пазандаликни ҳам уддалашади.

Оиланинг тўнғичи — Жамшиджон ота-онасининг касбига ихлос қўйиб катта бўлди. Айни чоғда у Тошкент электротехника Алоқа институтининг битирувчи босқич талабасидир. Бўш вақт топди дегунча отасининг ёнига келиб, иш ўрганади. Ўз навбатида Ҳудойберди ака ҳам зиммасидаги катта бурчни уддалаш билан бирга фарзандларининг келажагини ўйлайди.

... Яна янги иш куни бошланди. Вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг қўш табақали эшигидан ҳамкасблари қатори Ҳудойберди ва Матлубахон Келдиевлар ҳам кириб келишди. Хушхабарлар улашиш, тиғиз ишларни масофасиз сим орқали уддалаш уларнинг кундалик ишидир.

Н. ЗИЁЕВ,

Сурхондарё вилояти

• Тўйхат ўрнида

МОҲИР АЛОҚАЧИ

Исрафил Ридванович Чакидзе меҳнат фаолиятини 1958 йили алоқа техниги вазифасидан бошлаган. 1964 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини тугатиб, Бухоро шаҳар алоқа боғламасига бошлиқ бўлди. Кўп йиллик иш тажрибаси, юқори малакали мутахассислиги, ташкилотчилиги боис 1982 йили Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи этиб тайинланди ва ҳозиргача шу вазифада ишлаб келмоқда.



И. Чакидзе 1995 йили Алоқа вазирлигининг «Моҳир алоқачи» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Унинг бевосита раҳбарлигида Бухоро шаҳрида янги шаҳарлараро автомат, телефон, телеграф станцияси, кучли телевизион ва радио узатгичлар биноси, Когон, Қоракўл, Янгибозор туман марказларида Алоқа уйлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кучли телевизион ва радио узатқичларнинг ишга туширилиши аҳоли яшайдиган жойларда телевидение дастурларини юқори сифатли ва рангли тасвирда қабул қилиш имкониятини яратди.

Республикада учинчи бўлиб Бухоро шаҳрида квазиэлектрон турдаги «КВАРЦ» шаҳарлараро станцияси ишга туширилганлиги боис ҳам вилоят аҳолисининг аксарият қисми МДҲ ва хорижий давлатлар билан автоматик равишда боғлана олиши мумкин.

Ўтган давр ичида вилоятдаги шаҳар ва қишлоқ телефон станцияларининг сиғими бир неча баробарга кўпайтирилди, вилоят марказида ҳар 100 кишига телефон нуқталарининг сони 15,4 тадан тўғри келади, бу кўрсаткич республикадаги миқдордан бир неча марта кўпдир.

Барча жамоа хўжаликлари ва аҳоли яшайдиган бир қанча жойларда телефон тармоқлари янгидан ташкил қилинди, вилоят аҳолисининг ҳамма хонадонлари уч дастурли радиоэшиттиришларини тинглаш имкониятига эга.

Айни кунларда янги Қоровулбозор туманида Алоқа уйи биноси қурилаяпти. Вилоят маркази ва туманлар йўналишида янги турдаги ускуналарнинг ўрнатилиши натижасида Бухоро шаҳри билан туманлараро боғловчи каналлар сонини ошириш имконияти туғилди.

Исрафил Чакидзенинг фаол иштирокида вилоятда замонавий техникани жорий қилиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, 1995 йили «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси билан ҳамкорликда 250 рақамга мўлжалланган уяли телефон алоқа станцияси ишга туширилди. Бухоро шаҳридаги 3, 4, 5-АТСларни замонавий рақамли АТСлар билан алмаштириш учун Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан шартнома имзоланди. Ҳозирги кунда 30 минг сиғимли АТСда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишларнинг барчасига И. Чакидзе бош-қош.

Шу кунларда Исрафил Чакидзе ўзининг 60 ёшини нишонлаяпти. Бухоролик алоқачилар жонкуяр раҳбар, моҳир алоқачини муборак ёши билан чин дилдан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилашмоқда.



Фома СОФЬИН АТСда ишлаш билан бирга 1995 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини ҳам муваффақиятли тугатди. Ҳозир у Тошкентдаги 54-АТСда назорат ўлчов асбоблари муҳандиси вазифасида ишламоқда.

Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент электротехника Алоқа институтида (ТЭАИ) ҳозирги кунда 2000 дан зиёд талаба ўқийди. Бу ерда талабаларнинг ўқиш ва дам олишлари учун ҳамма шароитлар бор.

Институтда ўқиш жараёнларини 26 кафедра ва 47 ўқув тажрибахоналари таъминлайди. Мазкур билим даргоҳида институт ўқитувчилари сафини ёш олимлар билан доимий равишда тўлдириб бориш учун аспирантура ташкил қилинган. Шунингдек, бу ерда Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказда фақат Ўзбекистон алоқачиларигина эмас, балки Марказий Осиё, Ҳиндистон, Непал, Никарагуа, Покистон, Шри-Ланка каби давлатларнинг мутахассислари ҳам ўз малакаларини ошириб борадилар.

ТЭАИда юқори малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Ўқитувчилар сафида 10 нафар профессор ва фан доктори, 70 нафар фан номзоди ҳамда доцентлар бор. Билим масканида мунтазам илмий-методик анжуманлар ўтказилади, жаҳон телекоммуникация соҳасининг етакчи мутахассислари, олимлар билан талабаларнинг тез-тез учрашувлари бўлиб туради. Институтнинг ўз телевизион маркази, компьютер ўқув хоналари мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқ ва тизимларини ривожлантиришда жаҳоннинг «Сименс», «Алкател», «ДЭУ» каби етакчи фирмалари фаол иштирок этишмоқда. Мазкур фирмаларда ишлаб чиқарилган янги алоқа жиҳозларининг тақдимоти институтда тез-тез ўтказиб турилади. Шу йилнинг март ойида «ДЭУ телеком» фирмасининг ТЭАИга рақамли телефон станциясини совға қилиши унутилмас воқеа бўлди. Бу станциядан талабалар билан амалий ўқув машғулотлари ўтказишда фойдаланилмоқда.

Талабаларга рақамли алоқа тармоқларини ташкил этиш, телекс ва факсимиль алоқанинг техник хизмат кўрсатиш жараёнлари, электрон почта, пейжинг алоқаси каби соҳалар билан мунтазам таништириб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Билимдон талабалар илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш имкониятига эгадирлар.

Шунингдек, институт талабалари учун бадиий-ижодий ва спорт тўгараклари ташкил қилинган. Талабалар ва ходимлар соғлигини тиклаш мақсадида ТЭАИ негизида сўлим Хондайлиқ қишлоғида соғломлаштириш-спорт мажмуи ишлаб турибди.

Тошкент электротехника Алоқа институтида ўқиш истагида бўлганлар замонавий ўқув услубларида билим олишлари, муҳими — келгусида малакали алоқачи мутахассис бўлиб етишишлари мумкин.

ИШЛАР ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Республикамизда жорий йил Амир Темур йили деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда турли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, буюк соҳибқироннинг она Ватани бўлган Шаҳрисабз шаҳрида Германиянинг «Алкател» фирмаси билан ҳамкорликда замонавий рақамли телефон станцияси қурилмоқда. Шу кунларда мазкур иншоотнинг фойдаланишга топшириладиган асосий қисмида қурилиш-монтаж ишлари қизғин бормоқда. Қашқадарё вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ташаббуси билан Шаҳрисабз туманига яқин жойлашган тўртта туман — Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши электралоқа боғламалари жамоаларининг ҳар биридан саккиз кишидан иборат ҳашарчи гуруҳлар тузилиб, ушбу иншоот қурилишига жалб этилди. Уларга етарли шарт-шароит яратиб берилди. Ҳашарчилар асосий пудратчи ҳисобланган Қарши алоқа механизациялашган кўчма жамланмаси ишчилари билан бир қаторда туриб меҳнат қилишмоқда. Июнь ойининг якунига кўра 7470 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Айни пайтда «Алкател» фирмасининг мутахассислари иншоотнинг станция жиҳозларини ўрнатиш борасида иш олиб боришмоқда. Иш кўламининг бир маромда бораётгани яқин кунларда иншоотни тўлиқ фойдаланишга топшириш имкониятини яратади.

Вилоятнинг қуйи туманларидан бири — Баҳористон туман марказида ҳам Туркия давлатининг «Неташ» фирмаси билан ҳамкорликда 2000 рақамга мўлжалланган рақамли телефон станцияси учун икки қаватли янги Алоқа уйида охирги ишлар ниҳоясига етказилиб, станция жиҳозларини ўрнатишга замин тайёрланаётир.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,

«Хабар»нинг жамоатчи мухбири,

Қашқадарё вилояти

БОБУРИЙЛАР САНЪАТИ

Темурий подшоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг фарзандлари Ҳиндистонда улкан салтанат соҳиблари бўлиш билан бирга бу қадим ўлкада моддий ва маънавий маданият тараққиётига ҳомийлик қилдилар.

«Бобурнома», «Ҳумоюннома» каби асарларининг ўзиёқ Бобур ва унинг фарзандлари улкан истеъдод соҳиблари бўлганликларига далолатдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоир, хаттот, олим бўлиши билан бир қаторда мусаввирликка жанрлар, баъзи тасвир воситалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, муаллифнинг ўзбек, озарбайжон, форс-тожик адабиёти намояндаларининг ижоди, асарлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам мўъжаз тарзда баён этилган.

Бобурнинг ўғли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюн ҳиротлик, самарқандлик, термизлик мусаввирларни саройига таклиф қилган. Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида унинг китобларга ниҳоятда қизиқиш билан қараганини таъкидлайди. Ҳумоюн Сафавийлар молиддин Беҳзоднинг шогирди Дўст Девона маҳоратда тенгсиз бўлган. Мусаввир Ҳиндистонда ниҳоятда шуҳрат топган экан. Унинг мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб билан ҳамкорликда яратган суратлари, зийнатлаган нодир қўлёзма китоблари ҳозир жаҳон кутубхоналари ва музейларини безаб турибди.

Қазвинийнинг юқоридаги китобида айтилишича, XVI асрнинг етмишинчи йилларида Акбар саройи қошидаги мусаввирлик устахонасида турли ўлкалар-

ниҳоятда қизиққан. У ўзининг шоҳ асари «Бобурнома»да табиат манзараларини, одамлар қиёфасини моҳир мусаввирлардек назокат билан тасвирлайди. Шу боисдан мусаввирлар, хаттотлар «Бобурнома»нинг ўнлаб қўлёзмаларини нафис суратлар билан зийнатлаганлар. «Бобурнома»да ҳиротлик ва самарқандлик мусаввирлардан устод Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар, Бойсунқур мирзо, Ҳайдар мирзоларнинг номлари тилга олинади.

«Бобурнома»да мусиқанинг адабиёт ва санъатдаги ўзига хос ўрни алоҳида кўрсатилган. Бобур XV-XVI асрда яшаган камончи, гижжакчи, найчиларнинг энг устоз-пешқадамлари ҳақида қимматли маълумотлар келтириб, мусиқа маданияти бадиий адабиёт билан узвий ҳамкорликда ривож топиб, юксалганини таъкидлайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг эстетик қарашлари «Рисолаи арузи» асарида мукаммал ифодаланган. «Рисолаи арузи»да анъанавий арузнинг қонун-қоидаларигина баён қилинмай, унда XV-XVI аср ўзбек шеърияти ҳамда эски ўзбек тили фонетикасининг арузга муносабати, оғзаки ва ёзма адабиёт ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида юзага келган адабий сулоласидан бўлган Шоҳ Таҳмосб ҳузурида бир муҳлат турганида унга термизлик Мир Мансур Мусаввирни таништирадилар. Ҳумоюн унинг расмларидан завқланиб: «Агар менинг хизматимга шу мусаввир берилса, унинг учун Ҳиндистондан минг туман пул жўнатишга розиман», деган экан. Тарихчи Боязид Баёт ёзишича, Ҳумоюн Кобул тахтини эгаллагандан сўнг мусаввирлик устахонаси ташкил этиб, унга юқорида номи зикр қилинган Мир Мансур Мусаввир, унинг ўғли Мир Саид Али Абдусамад Шерозий, Мавлоно Дўст Муҳаммад, Мавлоно Дарвиш Муҳаммад, Мавлоно Жалолиддин Юсуф Наққош каби Беҳзод шогирдлари ва сафдошларини ўз хизматига олади. «Тарихи хонадони темурия» китобида қайд этилишича, Ҳумоюн ва ўғли Акбар машҳур мусаввир Абдусамад Шерозийдан мусаввирлик сир-асрорларини ўрганган эканлар.

Ҳумоюн асос солган ва Акбар даврида ниҳоятда тараққий этган мусаввирлик ва хаттотлик мактаби ҳақида Қози Аҳмад Қумийнинг «Гулистони ҳунар», Мир Аладдавла Қазвинийнинг «Нафоис-ул муассир» асарларида ажойиб маълумотлар бор. «Гулистони ҳунар»да айтилишича, Ка-

дан келган мусаввирлар ижод қилганлар. Улар «Нодир-ул мулки Ҳумоюн» унвонига сазовор бўлган Мир Саид Али раҳбарлигида «Қиссаи Амир Ҳамза» номли асар учун катта ҳажмли (52x68) матога расм ишлаш билан машғул бўлганлар. 1570 йилгача «Қиссаи Амир Ҳамза»нинг ҳар бири юз расмдан иборат тўрт жилди Мир Саид Али раҳбарлигида (у ҳаж қилиш муносабати билан устахонадан кетган) ишланган бўлса, кейинчалик «Ширин қалам» унвонига сазовор бўлган Абдусамад Шерозий раҳбарлигида «Қиссаи Амир Ҳамза» расмлари давом эттирилган ва уларнинг сони 2800 тага етказилган экан. «Бундай ажойиб расмларни табиату осмон яратилиб, у юлдузларга тўлгандан буён ҳеч ким кўрган эмас» деб ёзади Қазвиний.

Акбар китобат, хаттотлик санъатига шу қадар меҳр қўйганки, унинг кутубхонасида йигирма тўрт минг китоб бўлиб, бу нодир қўлёзмалар жозиб мусаввирлик билан зийнатланган. Жаҳонгир Мирзо, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб даврларида ҳам Ҳиндистонда мусаввирлик ниҳоятда тараққий этган.

Ғуломхон ҒАФУРОВ



• *Бу қизиқ*

ОДАМ АТОНИНГ ОЛТИН ҚОВУРҒАСИ

Муқаддас китобларда ёзилишича, худо аёлларни Одам Атонинг қовурғасидан яратган экан. Шунинг учун узоқ вақтлардан бери эркак ва аёл бир-бирларидан фақат жинсий ва физиологик функциялари билангина фарқ қилади, деб келинарди.

Лекин фан кейинги йилларда эркак ва аёлларнинг тана тўқималари, ҳужайра ҳамда молекулалари тузилиши орасида ўзаро катта фарқ борлигини исботлаб берди. Польшалик мутахассис Е. Канабродски аввал соғлом, сўнг бемор эркак ва аёллар танасидаги микроэлементларнинг миқдори ва нисбатини ўрганди. Уларнинг соч ва тирноқ сифатини текшириб чиқди ва организмининг ҳар дақиқадаги биохимиясини анча аниқ акс эттириб берди. Нейтронактивацион усул ёрдамида текширилганда касалланган тананинг кимёвий таркиби ўзгариши маълум бўлди. Бу аввалдан ташхис қўйиб, беморни ўз вақтида даволаш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шов-шувга сабаб бўладиган энг муҳим янгиликлардан бири — Одам Ато ва Момо Ҳаво таналаридаги микроэлементларнинг фарқи экан. Ҳозир аёллар танасидаги олтин ва симоб миқдори беш-олти маротаба кўпайиб кетган. Фан бу ҳолатни, яъни Одам Ато «қовурғаси» қачон олтинга айланиб қолганлигининг сабабини аниқлашга ожизлик қилмоқда. Аёллар танасидаги симобнинг кўпайиши эса уларни янада «заҳар»ли қилиб қўяётган бўлса эҳтимол.

АҲМАД ибн СУЛАЙМОН • *МЕРОС*

ҚУВВАТНИ ОШИРАДИГАН ТАОМЛАР

Жинсий қувватни қуйидаги таомлар оширади: қўй гўшти, нўхат, пиёз, илитилган тухум, майда балиқ гўшти, шолғом, сабзи, сут, ҳалим, ширгуруч, қўй сути, қовун, бодринг, қовоқ, ҳўл мевалар, кўкатлар ва бошқалар.

* * *

Нўхат, ловия, оқ пиёз сут билан пиширилади. Сўнг майдалаб, бир-бирига қориштирилади. Кейин тухум сариғи қўшилади. Сўнг яна улар ёғда пиширилиб, зираворлардан қўшиб истеъмол қилинади.

* * *

Нўхат, морчўба, ловия, оқ пиёз қайнатиб пиширилгач, тухум сариғи ва ўрдак ёғидан қўшиб ўсимлик мойида енгил олов билан қайнатилади. Сўнг туз ва зираворлар қўшиб истеъмол қилинади.

* * *

Оқ пиёз суви, морчўба суви, сигир сутининг ёғи ва сутни қориштириб, сувда қайнатилади. Сўнг сузиб олиб, чўкмаси олиб ташланади. Ҳар куни оз-оз миқдорда тановул қилинса фойда қилади.

* * *

Товуқ тухумидан беш дона олиниб, сариғи қолдирилади, оқи чиқариб ташланади. Сўнг тухум сариғи устига сариёғ, таратизак уруғининг талқони (сариёғ ўрнига асал бўлса яна яхши) солиб, озгина илитилади. Уйқу олдидан тановул қилиш ўта фойдалидир.

ЛАТИФАЛАР

ЭРКАК ЭКАН

Бир ботошлик чавандоз отчопарда «Қиз қувди» мусобақасида қатнашибди. У шижоат билан отини чоптириб кетаётган қизга энди етай-етай деганда отининг жиловини кескин бурибди-да, орқага қайтибди.

Бу ҳолатдан таажжубланган ботошлик ишқибозлар:

— Ҳой, фалончи! Нега охиригача қувмадинг? Етганингда яхшилаб ўпардинг, — дейишибди.

— Э-э-э, нимасини ўпаман! Қувлаганим аёл кийимидаги Эр-р-как-как экан, — дебди ботошлик ҳансираб.

ШУ ЕРДАМАН

Клубда ҳаваскор хонанда овозини баралла қўйиб, «Қайдасан, азизим» қўшиғини энди бошлаган экан, томошабинлар орасидан шундай хитоб эшитилди:

— Шу ердаман, ер ютгур! Алиментни қачон тўлайсан?

ЎСАДИ-ДА

— Ёпирай, ўтган йили экилган новда шунчалик ўсдими-ей! Хари бўлай деб қопти, — деди Кайпанбой таажжубланганича теракка ишора қилиб.

— Ҳа, энди сенга ўхшаб бошқа қиладиган иши бўлмаганидан кейин ўсади-да, — жавоб қилди Сайпанбой.

Эгамберди ҚУДРАТОВ,
Қашқадарё вилояти

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ, Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Саид СИДДИҚОВ, Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририят келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0406. 8119 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА 22

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА! Профилактика муносабати билан 22 июль куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Истеъдод». Ганчкор Абдураҳмон Султонов.
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Тошкентнинг олмос камари».
21.20 «Кулги — дармон дейдилар».
21.40 «Дилдаги гаплар». Абдулҳай Каримов.
22.10 «Морена Клара». Телесериал.
22.55 «Бу оқшом...»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Эълонлар.
24.00 «Оламга саёҳат».
00.20 Тунги тароналар.
00.30 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб» (мода янгиликлари).
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.15 «Камертон ҳафталиги».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қурьер».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Прайм-тайм».
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40—23.40 «Спорт қитъаси».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Кичкинтойимиз — гижингтойимиз».
9.05 «Хазинамиз таянчи». Солиқ инспекцияси ва божхона ходимлари иш фаолиятидан.
9.35 Эстрада тароналари.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Табиат шайдолари».
10.40 «Аҳлана ва замон». Сув сайли.
11.15 «Узбектелефильм» кўрсатади. «Шарқ зарчашмаси».
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.00 «Жаннат оналар оёғини остидадур...». Публицистик кўрсатув.
12.30 «Шум бола». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Крим этюди». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

*

20.35 «Матсалу қўриқхонаси». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

*

Россия жамоат телевидениеси
22.25 — 23.35

*

23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Замин саховати».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Эркомлар юрти». Миср Мустақиллиги кунига.
20.35 Эълонлар.
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал. 3-серия (Англия).
21.30 Ўтган кунлар».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Спорт-тайм».
22.30 «Сирдошим».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Кичкинтой» студияси. «Кўнғироқча».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулжал». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.

*

12.00 Шифокор маслаҳати.
12.10 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.
13.35 «Бу гулшан аро...» Мусиқий композиция.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Табиатшунослар клуби».
18.30 «Виждон». Телесериал.
19.15 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур». Тележурнал.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан тараланган меҳр».
21.40 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
22.10 «Ҳушаш чеҳралар».
22.50 «Юртим жамоли».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Замон».
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.25 — 24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Катта Ух». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Мусиқа барча ёшдагилар учун». 1-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 22.05

*

22.05 Эълонлар.
22.10 «Янги қурбон». Телесериал.
23.00 — 23.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Спорт-дайджест».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.15 «Кулгу асло қаримас». Дам олиш дастури.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Дорихона эшитади».
22.25 «Океандан океангача». USA-круиз.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оҳанграбо». Самарқанд кўғирчоқ театрининг спектакли.
9.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Қўшиқ рақсга уланса». Мусиқий дастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...»
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриент-96. Физика.

*

12.00 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.
13.15 Футбол шарҳи.
13.25 «Компьютер-шоу». Телемусобақа.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Автоолам».
18.40 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.00 «Замон билан ҳамнафас».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.40 «Дубль».
21.50 «Абадият қўшиғи».
22.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.25 «Оҳанглар оғушида».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Шеърият лаҳзалари».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Гиннес-шоу».
22.45—23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эрмитаж заллари бўйлаб». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Мусиқа барча ёшдагилар учун». 2-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 22.05

*

22.05 Эълонлар.
22.10 «Янги қурбон». Телесериал.
23.00 — 23.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Жаҳон болалари».
19.35 «Гулшан диёрим» («Тошкентнома»).



20.20 Эълонлар.
20.25 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал. 4-серия (Англия).
21.15 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
21.20 «Тошкент оқшомида».
22.05 «Эҳсон». Ёшлар учун дастур.
22.20 «Дунё эшиги».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Маънавият сарчашмалари».
23.15 «Хазинатопарлар». Публицистик кўрсатув.
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Санъат ғунчалари». Навоий вилоят «Капалак» ансамбли иштирокчиларининг чиқиши.
9.15 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.35 «Муносабат». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир дунё болаларимиз». Тележурнал.

*

Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Абитуриент-96. Адабиёт.

*

12.00 «Буни умр дерлар...» Телеочерк.
12.30 «Томошабин мактублари».
13.00 «Бувимнинг туғилган куни». Мультфильм.
13.10 «Талаб ва таклиф». Қимматли қоғозлар бозори.
13.30 Мумтоз куйлар.
14.00 Янгиликлар.
14.05 —15.20 «Қизил қор ёққанда». Болалар учун фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эртак».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.05 «Акциядор луғати».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юз-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.15 «Мутойиба».
21.25 «Одобнома».
21.35 «Омонлик тилаймиз».
21.40 «Дилнавоз садолар».
21.50 Олтин мерос. «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.05 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Камароб». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.50 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

*

Россия жамоат телевидениеси
22.25 — 23.40

*

23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 «Онажоним».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.10 Эълонлар.
21.15 «02» тўлқинида.
21.30 «Компьютер-ревю».
21.55 «Эколот-коктейль».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Сеҳрли оҳанглар».
8.50 «Юз-юз». Мулоқот.
9.10 «Ёшлик». Тележурнал.
9.30 «Қизлар гулдастаси».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Маърифатнома. «Мавлуди шариф».
10.50 «Фермер». Тележурнал.
11.15 «Кел, эй кўнглим». Шоир Равшан Файзни ёд этиб...
11.45 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
13.15 «Кашф этилаётган имкониятлар». Ислоҳот самаралари.
13.30 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.15 «Фил йўқолди». Болалар учун фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.
18.25 «Ватанпарвар».
18.45 «Синфдош».
19.00 Бизнес ҳафта якунлари.
19.10 «Мутолаа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Нон — ризқ-рўзимиз».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Сизлардан ишорат».
22.00 «Таниш ва номаълум».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Офарин».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40—23.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Венециядаги карнавал». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

*

Россия жамоат телевидениеси
22.30 — 23.35

*

23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 «Бу бўстон аро...»
20.35 Эълонлар.
20.40 А. Глазунов. «Раймонда». А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг балет-спектакли.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Кўркам сакура».
22.45 «Уй остонадан бошланади».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ШАНБА 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
9.45 Диққат, премьера! Ҳайдар Муҳаммад. «Жиноят устида ушлансин». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
11.05 Абитуриентлар, Сизлар учун! Тест синовларига тайёрмисиз?
11.25 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.00 «Шоҳруҳ» клуби.
12.30 «Каниот сири». Бадиий фильм.
13.45—15.15 «Маънавият». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.00 «Мактуб».
19.10 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ватан уфқлари».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.35 «Кўнгил».
21.55 «Мусиқа салтанати».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.15 «Мўъжиза».
22.25 «Имкон чўққилари».
22.40 Видео янгиликлари.
23.00 «Юлдузингни бер, осмон!». Бадиий фильм.

II

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Уйинчоқлар растаси».
18.20 Ҳужжатли кино экрани.
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 20.35

*

20.35 «Отни ким эгарлайди». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
20.55 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Улуғбек». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:

10.00 1. «Ирендек».
10.30 2. «Дидар».
11.00 3. «Айчурек».
11.30 4. «Рангинкамон».
12.00 «Сеша». («Учрашув»). Тошкентда болғар маданияти маркази.
12.30 «Ракслар қанотида».
13.00 — 14.05 Болалар учун фильм. «Азиз».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 «Сиз учун учрашувлар». Галина Сутягина.
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.55 «Эсдалик учун дастхат».
21.20 «Спорт-дайджест».
21.50 «Сайқал Франция!».
22.10 Кинонинг олтин асри. Луи де Фюнес «Катта сайр» фильмида (Франция).
00.20 Эълонлар.
00.25 — 00.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 Абитуриентлар, Сизлар учун! Тест синовларига тайёрмисиз?
11.20 «Еттига-етти». Телебеллашув.
12.00 «Санъат олами».
12.30 «Телевидение ва кино оламида».
13.00 «Кувноқ стартлар». Сарас ва мусобақалари.
13.40 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 1-кўй.
14.50—15.50 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хамёндаги мўъжизалар ёки...».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Дармон».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...». Мусиқий кўнгилочар дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари. «Ўзбектелефильм» тақдим этади. «Зарралар оламида».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Шарқ ва бахт».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера! М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 «Мультдаста».
18.15 «Боланинг тили...»
18.25 Эълонлар.
18.30 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 Дилором наволар.
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мусиқий майдонча». Ёшлар учун кўрсатув.
21.35 «Дараҳчи».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.25—00.05 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 23.05

*

23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.35 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Жонли сайёра».
10.50 «Дарвоқе». Дам олиш дастури.
11.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 «Парле ву франсе?» Француз тили ҳамма учун.
12.45 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
14.15 Эълонлар.
14.20 «Масза!».
14.35 «Иштирок этувчилар».
15.05 Киносалон. «Кунлардан бир куни Америкада». Бадиий фильм.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да ётти кун» (ўзбек тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Телеташриф».
19.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 Эълонлар.
20.10 Киносалон.
21.40 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
22.20 Эълонлар.
22.25 «Оқ соя».
22.55 «Сенинг вақтинг».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).